2016 ЙИЛ 13 МАЙ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 98 (13.161)

Баҳоси эркин нархда

"THE BRUSSELS EUROPE PRESS CLUB MAGAZINE" ЖУРНАЛИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

Европадаги "The Brussels Europe Press Club Magazine" журналининг навбатдаги сонида ушбу нашр бош муҳаррири Антонио Бускардининг "Замонавий Ўзбекистон" сарлавҳали мақоласи чоп этилди.

Унда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир батафсил маълумот берилган. Мақолада республикамизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муҳофаза этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий мулк устуворлигини таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилаётгани алоҳида таъкидланган.

Муаллиф журналхонлар эътиборини юртимиз қўлга киритаётган салмоқли муваффақиятлар халқаро молиявий институтлар томонидан юқори баҳоланаётганига қаратар экан, Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ҳамда 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёда энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олганини билдирган. Бундан ташқари, республикамиз 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилгани ҳам материалда айтиб ўтилган.

"Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш" деб аталадиган мезон бўйича Ўзбекистон айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. "Кичик бизнес субъектларига кредит бериш" деб номланадиган кўрсаткич бўйича мамлакат сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-поғонага кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позиция яхшилади", деб ёзади А.Бускардини.

У Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот шаклланишида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ўрни хусусида сўз юритиб, мазкур йўналишдаги ислоҳотлар натижасида республикамиз ЯИМда иқтисодиётнинг ушбу соҳаси улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини айтиб ўтган. Хусусан, унинг қайд этишича, "Айни пайтда мазкур жабҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ушбу секторда меҳнат қилаяпти".

Мақолада, шунингдек, республикамиз аграр соҳасида тизимли ўзгаришлар рўй бераётгани айтиб ўтилган. "Мамлакат қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари жадал суръатларда ривожланган. Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди".

Жаноб Бускардини Ўзбекистоннинг молия жабҳасидаги муваффақиятларига тўхталар экан, банк, суғурта, лизинг, консалтинг ҳамда бошқа турдаги бозор хизматлар барқарор ривожланиб бораётгани, улар хусусий сектор ва кичик бизнес равнақида муҳим омил бўлаётганига урғу берган. Ўз навбатида, банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил этаётгани, бу умумқабул қилинган халқаро стандартлардан 3 маротаба кўплиги таъкидланган.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ИХТИРОЧИЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бошланди. Анъанавий ўтказиб келинаётган ушбу форум илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини таъминлайдиган муҳим воситалардан бирига айланди. Жорий йилги ярмаркада тақдим этилган қарийб 650 та янги лойиҳанинг 70 дан ортиғи ёш олимлар ва талабаларга тегишлидир.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси томонидан ташкил этилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 7 августдаги "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ярмаркани ўтказишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида илм-фан тараққиётига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бунинг самарасида инвестиция талаб ва таклифлари бирлаштирилиб, ихтирочилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида тўғридан-тўғри амалий муносабатлар йўлга қўйилмоқда. Инновацион ярмарка, аслида, бу интеллектуал мулк бозоридир. Зеро, экспозицияда иштирок этиш корхона ва ташкилотларга ўз ишланмаларини таклиф этишда инвесторлардан молиявий кўмак олиш учун кенг имкониятлар яратади.

Бухоро вилоятидан фермер Қаҳрамон Ғаффоров Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти стендини қизиқиш билан кўздан кечирмоқда. У ярмаркага турли тупроқ-иқлим шароитларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича янги таклифларни ўрганиш мақсадида келган.

– Янги "Яроқли" картошка нави менда катта қизиқиш уйғотди, – дейди фермер. – Негаки, минтақамиз иқлим шароитларига чидамли бу навдан йилига икки марта ҳосил олиш мумкин экан.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети стендида эса топинамбур етиштириш ва унинг концентратидан кукун тайёрлаш технологияси намойиш этилмоқда.

– Топинамбур кўплаб фойдали хусусиятларга эга, – дейди биология фанлари номзоди, университетнинг биология кафедраси доценти Маҳмуда Назарова. – Шу боис бу ўсимликни минтақамиз шароитида етиштиришни йўлга қўйдик. Ундан тайёрланадиган кукун юрак қон-томир касалликларидан азият чекаётган, қандли диабет билан оғриган беморлар учун фойдалидир. Ярмаркада бу маҳсулотни саноат асосида ишлаб чиқариш учун ҳамкор топишни режалаштирмоқдамиз.

Корея Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш маъмуриятининг Ўзбекистондаги KOPIA маркази экспозицияси ҳам гавжум. 2009 йилда ташкил этилган ушбу марказ Ўзбекистонда агротехнологияларни ривожлантириш ва икки давлат ўртасида яқин муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда марказ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик, Ўсимликшунослик, Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

– Қовун, помидор ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг Кореяда ўсадиган навларини Ўзбекистон шароитида етиштиришни йўлга қўйдик, – дейди мамлакатимиздаги KOPIA маркази директори Ан Хи Сунг. – Буларнинг барчаси стендимизда намойиш этилмоқда. Ярмаркада марказимиз томонидан ишлаб чиқилган йил давомида кўкатлар ва томчилатиб суғориш ёрдамида юқори сифатли, серҳосил сабзавот экинлари етиштириш технологиялари тақдим этилган. Улардан кенг миқёсда фойдаланилишига умид қиламиз.

(Давоми 2-бетда)

НАЗОРАТ ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Ўзбекистонда парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), олимлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори М.Алиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижтимоий ҳаётимизда муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. Шу асосда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 12 апрелда кучга кирган "Парламент назорати тўғрисида"ги қонуни билан парламент назоратини олиб бориш бўйича ҳуқуқий асос яратилди. Парламент назоратининг субъекти, объекти, шакллари ва бошқа муҳим жиҳатлари акс этган қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг парламент олдидаги масъулиятини кучайтириш учун қўшимча механизмлар яратди.

Қонунда парламент назоратининг натижалари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни кўриб чиқиш ва ижро этиш бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мажбуриятлари ўрнатилган.

Илмий-амалий семинарда мазкур қонун моҳияти ва унинг ижроси билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди. Шунингдек, мамлакатимизда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари, ушбу соҳада тўпланган миллий ва хорижий тажриба муҳокама қилинди.

2014 йилда Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Ўзбекистонда жамоатчилик назорати институти конституциявий мақомга эга бўлди. Бу эса, ўз навбатида, жамоатчилик назорати борасида махсус қонунни қабул қилиш учун ҳуқуқий замин яратди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси ҳақида сўз юритилди. Унинг асосий қоидалари муҳокама қилинди. Семинар иштирокчилари томонидан лойиҳани такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда ўтказилган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида йирик саноат корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида 16 миллиард сўмликка яқин шартномалар имзоланди.

● Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Тошкент Давлат юридик университети билан ҳамкорликда "Меҳнат кодекси: ютуқлар ва истиқболдаги устувор вазифалар" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

● Андижонда спинал хирургиянинг долзарб муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика нейрохирургия илмий маркази, Андижон давлат тиббиёт институти ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳа мутасаддилари, юртимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий марказлар мутахассислари, олимлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

● Хоразмда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган жамоалар бир неча спорт турлари бўйича жисмоний тайёргарлигини намойиш этди, ҳарбий соҳага оид билим ва кўникмасини синовдан ўтказди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Оклахома штатида торнадо хуружи натижасида фавқулодда ҳолат жорий этилди.

● Бельгиянинг Льеж университети олими Мишель Геллон ердан 40 ёруғлик йили узоқликда ҳаёт аломатлари бўлган учта кичик сайёра мавжудлигини аниқлади.

● Оламга машҳур "Forbes" журнали жаҳондаги энг қиммат брендлар рейтингини эълон қилди. Унга кўра, нархи 154,1 миллиард АҚШ доллари қийматида баҳоланган "Apple" компанияси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса 82,5 миллиард долларлик сармояга эга "Google" ва "Microcoft" (75,2 миллиард доллар) компанияларига насиб этди.

● Италиянинг "Gladiator-90" компанияси томонидан дунёдаги энг тезкор моторли яхта тайёрланди. Ушбу кичик кеманинг узунлиги 27,45 метр бўлиб, сув сиғими 58 тоннага тенг. Яхтанинг қуввати нечта двигатель ўрнатилишига қараб, 3800—5700 от кучига тенг бўлади. Яъни, яхтага учта двигатель ўрнатилса унинг максимал тезлиги соатига 102 километрга етади.

МАҲАЛЛАДОШЛАР ИШОНЧИ

Шаҳримизнинг барча туманларида, жумладан Шайхонтоҳур туманидаги маҳаллаларда ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига раисларни ва маслаҳатчиларни сайлаш жараёни қизғин ўтмоқда.

Маҳалла — ҳаётимиз кўзгуси



Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, сайловларнинг ошкоралик, тенглик ва адолат тамойиллари асосида ўтиши учун барча ташкилий чоралар кўрилган. Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар томонидан ҳар бир маҳаллада сайлов ўтказиладиган жой ва унинг вақти белгиланган, жойлар тахт ҳолга келтирилган.

Сайловчилар билан ўтказилган учрашув ва тадбирларда маҳалла оқсоқоли лавозимига бой ҳаётий тажрибага эга, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган, фаол ва ташаббускор, оилалар тотувлиги ҳамда маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдек масъулиятни зиммасига оладиган инсонлар сайланиши лозимлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилган, уларнинг фикр-мулоҳазалари эшитилган. Шундан келиб чиққан ҳолда сайловларда халқ хоҳиш-иродасига кўра муносиб номзодлар сайланмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги "Камолон" маҳалласида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови кўтаринки руҳда, ошкоралик, тенглик, муқобиллик асосида бўлиб ўтди.

Маҳаллада 4662 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 2900 нафар фуқаро иштирокида вакиллар сайлови бўйича йиғилишлар ўтказилган. Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар ҳақидаги ахборот сайловдан беш кун олдин белгиланган жойларга осиб қўйилган.

"Камолон" маҳалласида шу кунгача сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан фаол иш олиб борилди. Сайловчилар сонидан келиб чиққан ҳолда 51 та вакиллар сайланди. Улар маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига кўрсатилган уч нафар номзоднинг ўзларига маъқул деб билганларига овоз бердилар. Очиқ ва ошкоралик руҳида ўтган ушбу сайловда шу кунгача маҳалла раиси вазифасида муносиб фаолият кўрсатиб келган Бахтиёр Султонов қайтадан "Камолон" маҳалласи оқсоқоли этиб сайланди. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари лавозимларига кўрсатилган 30 номзод орасидан 15 нафари очиқ овоз бериш шаклида маслаҳатчиликка сайланди.

— Менга маҳалладошларим яна катта ишонч билдириб, оқсоқол этиб қайта сайлаганлари зиммамга улкан масъулият юклайди, — дейди Бахтиёр Султонов. — Маҳалла аҳлининг ёрдамига таянган ҳолда тез орада, неча йиллардан бери орзу қилиб келганимиз — маҳалла гузарини қуриш ишларини бошлаб юборамиз. Бу менинг маҳалла оқсоқоли сифатида бошлайдиган ишларимнинг дебочаси бўлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: "Камолон" маҳалласида бўлиб ўтган сайловдан лавҳа
И.Исмоилов олган сурат

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми тадқиқ қилинганда албатта уларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларига эътибор қаратилади. Чунки, фуқаролик ҳуқуқининг предмети нафақат мулкий муносабатлар, балки шахсий номулкий муносабатлар ҳам эканлиги барчамизга маълум.

Шахсий номулкий ҳуқуқ бу муайян субъектнинг ҳуқуқи бўлиб, унинг биологик, ижтимоий-маънавий эҳтиёжларини мустақил амалга ошириш ва ягоналаштиришда ўз хатти-ҳаракатларини ўзгаларга боғламаган ҳолда белгилашнинг юридик имкониятини таъминлайди. Шунингдек, ўзига хос вужудга келиш ва бекор бўлиш асосларига эга бўлган, ушбу ҳуқуқ соҳибининг шахси билан боғлиқ бўлган ва уни ягоналаштирадиган иқтисодий мазмунга эга бўлмаган субъектив ҳуқуқдир.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар шахсдан ажралмаслик, фуқаронинг туғилишидан то ўлимигача мавжуд бўлиш, уларнинг турли эҳтиёжларини қондириш каби ўзига хос хусусиятларга эга. У ҳар қандай ҳолатда ҳам шахсга тегишли бўлади ва буни ҳимоялашда фуқаронинг ёши, руҳий ҳолати фарқланмайди.

ФКнинг 99-моддасига асосан шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан ҳуқуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя этилиши мумкин. Демак, ушбу модда талабларига асосан юқорида санаб ўтилган ҳуқуқлар шахсий номулкий ҳуқуқлар сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 2-боби Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари деб номланган. Унда боланинг яшаш, индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган эркинлик ва шахсий дахлсизлик, ҳимояга бўлган, оилавий муҳитга бўлган, ўз фикрини ифода этиш, ахборот олиш, фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги, соғлиғини сақлаш, билим олиш ҳуқуқи кафолатлари шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида белгилаб қўйилган.

Оила кодексининг 11-боби вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқига бағишланган бўлиб, унда боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш, ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш, ҳимояга бўлган ўз фикрини ифода этиш, исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқлари шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида кўрилади.

Шу сабабли ҳам биз вояга етмаганларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари тўғрисида фикр юритганимизда ФК талабларига мувофиқ масалага ёндашсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, фуқаролик ҳуқуқи назариясида фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини белгилашда тоифаларга ажратилмайди. Барча учун умумий қилиб белгиланади.

Нодира ҲАКИМОВА,
ҳуқуқшунос
Умиджон ДЖАЛИЛОВ,
Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчиси

ИХТИРОЧИЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти экспозицияси ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу бежиз эмас. Институт олимлари ойна концентрати асосида қуёш энергиясида ишлайдиган ошхона лойиҳасини тақдим этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги корхоналари томонидан тайёрланган ишланмалар мамлакатимизни технологик ривожлантиришга бағишланган. Масалан, "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Тошкент шаҳар телефон тармоқлари" филиали режим биноларидан рақамли фойдаланиш тизимини, "Uzmobile" филиали ҳаракатланадиган объектларнинг GPS мониторинги тизимини, "Olive Telecom" қўшма корхонаси янги мобиль телефон, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази махфий ахборотни ошкор бўлишдан ҳимоя қилиш тизими, "Uzinfocom" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази "uRadio.uz" биринчи таълим онлайн радиосини намойиш этмоқда.

Олий ўқув юртлари талабалари ярмаркада фаол иштирок этаётир. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Наманган муҳандислик-технология институти, Фарғона политехника институти, Тошкент ахборот технологиялари университети ва бошқа олий ўқув муассасалари ўнлаб янги ишланмаларни тақдим этган.

– Мен "Dovezu.uz" янги мобиль иловасини ишлаб чиқдим, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг 4-курс талабаси Шуҳрат Аъзамов. – Бу илова биргаликда саёҳат қилиш учун ҳамроҳ топишга ёрдам беради.

Бу Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида намойиш этилаётган янгиликларнинг 130 таси саноат, 116 таси қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб вазифаларни ҳал этишга қаратилган. 130 дан зиёд ишланма ва илғор технологиялар соғлиқни сақлаш ва фармацевтика учун мўлжалланган, 89 таси ахборот технологиялари, яна 34 таси илм-фан ва таълим соҳасидаги янги дастурий маҳсулотлардир.

Иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа вакилларини олимлар, жумладан, ёш олимларнинг истиқболли янги ғоялари ҳамда лойиҳалари билан таништириш мақсадида иккинчи Тошкент халқаро инновация форумининг ўтказилиши ярмарканинг муҳим таркибий қисми бўлади. Ушбу янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш учун маблағ ва ишлаб чиқариш базаси керак.

Шунингдек, ярмаркада турли тақдимот маросимларининг ташкил этилиши ёш олимларга ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён қилиш имконини беради. Айниқса, ёш дизайнерларнинг тақдимоти ҳамда "Робот-шоу" алоҳида қизиқиш уйғотиши кутилмоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ўтказилган саккизта инновацион ярмаркада умумий қиймати 112,6 миллиард сўмлик 3,1 мингдан ортиқ шартнома имзоланган эди. Мазкур шартномаларнинг амалга оширилиши натижасида 59 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, 55 турдаги тажриба намуналари тайёрланиб, 100 дан ортиқ ташкилот, корхона ва фермер хўжалигига илмий-техник ёрдам кўрсатилган.

2016 йилги инновациялар ярмаркаси аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Масалан, дастлабки ярмаркаларда олимлар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилган бўлса, бугун уларни янада мустаҳкамлашни давр тақозо этмоқда. Негаки, иқтисодиётнинг реал сектори ривожланиши учун энг яхши ишланмаларни танлаш имкониятига эга бўлинса, олимлар хўжалик юритувчи субъектларнинг эҳтиёжлари ҳақида маълумотга эга бўлади ва янги лойиҳалар учун буюртмалар олади. Бу, ўз навбатида, корхоналарнинг инновацион фаоллигини янада ошириш, мамлакатимизда юқори технологиялар миллий бозорини шакллантириш имконини беради.

IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

М.МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ИШЛАНМАЛАР

Тараққиётнинг бугунги босқичи юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, интеллектуал ва моддий ресурсларни иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи йирик илмий-амалий дастурларни, инновацион лойиҳаларни тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришга йўналтиришда таълим, фан ва амалиётнинг бир-бири билан узвий алоқадорлигини таъминлаш, бундай боғланиш ва ҳамкорликлар самарасини ҳисобга олиб иш юритишни, ушбу жараёнларга ёшларни кенгроқ жалб этишни кун тартибига қўймоқда.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ҳар йили ўтказилиши анъанага айланган "Техника ва технологияларни модернизациялаш шароитида иқтидорли ёшларнинг инновацион ғоялари ва ишланмалари" мавзусида бўлиб ўтган Республика илмий-амалий анжумани ана шу вазифаларни бажаришга йўналтирилгандир.

Анжуманда "Пахта саноатида механика муаммолари ва инновацион ечимлар", "Тўқимачилик саноатини инновацион технологиялар асосида ривожлантириш, техника ва технологияларни модернизациялаш", "Енгил, кимё ва матбаа саноати ишлаб чиқаришида инновацион технологиялар", "Фундаментал, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий фанларда инновацион технологиялар", "Катта авлод вакилларининг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги ўрни, касбий таълимда инновацион технологиялар" каби шўъба йўналишларида 160 дан ортиқ ўзбек, рус, инглиз тилларида илмий маъруза ва бошқа чиқишлар тақдим этилди. Муаллифлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, таълим ва фан муассасаларининг ёш олимлари, ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилари ҳамда талабаларидир. Улар томонидан тақдим этилган материалларни китоб ҳолида чоп этишга қарор қилинди.

Илмий-амалий анжуман доирасида олий таълим ва фан интеграциясини кенгайтириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда илмий кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг институт ўқув жараёнидаги иштирокини таъминлаш, иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш мақсадида шакллантирилган Ўқув илмий комплексининг кенгайтирилган йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Фан, таълим ва ишлаб чиқаришдан келган вакиллар иштирок этган йиғилишда ҳамкорликда бажарилаётган ишлар яна бир бор сарҳисоб қилиниб, келгусида бажариладиган ишлар келишиб олинди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

"THE BRUSSELS EUROPE PRESS CLUB MAGAZINE" ЖУРНАЛИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Нашр бош муҳаррири сўнгги йилларда иқтисодий ўсишнинг юқори даражасига эришилгани Ўзбекистон аҳолиси даромадлари янада ортишига пухта замин бўлганини ҳам омма эътиборига ҳавола этган. "Аҳоли жон бошига жами реал даромадлар 9,6 фоиз, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар улуши эса 52 фоиз ошдики, бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқоридир", деб ёзади журналист.

Шу билан бир қаторда, таҳлилда юртимизнинг соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия каби ижтимоий соҳалар бўйича изчил тараққиётига оид маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган. Алоҳида қайд этилганидек, таълим-тарбия жабҳасига ҳар йили йўналтирилаётган маблағлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил қилаётган бўлиб, бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан қарийб 2 баробар кўпдир.

"Аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йил мобайнида Ўзбекистонда ҳар 100 мингта чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича мамлакат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришган", дея мақоласига хулоса ясаган Антонио Бускардини.

"Жаҳон" АА,
Брюссель

ОСОЙИШТА ЮРТНИНГ ОБОД БОЗОРЛАРИ

Ҳали пишиқчилик мавсумига бир мунча вақт бўлса-да, бозорларимиздаги мўл-кўлчиликни кўриб кўзингиз қувнайди. Янги сабзи, пиёз, картошка, карам чиққанига анча бўлди. Қулупнаю гилос бозор расталарини тўлдирди.

– Яқинда қизимни узатаяпман. Ош учун янги сабзи олдим. Тиллодай ялтираб турибди. Рўзғор учун қизилидан ҳам олдим, – дейди "Кўйлиқ деҳқон бозори"да харид қилаётган Ботир Жамолов. – Олма, ноклар ҳам жуда яхши сақланган, нархи ҳам ёздагидек.

– Ўғлимни шифокорга олиб боргандим, дуккакли маҳсулотлардан тайёрланган турли салатлар болалар соғлиғи учун фойдали эканини айтди, – дейди яна бир харидор Лола Барноева. – Оила аъзоларимиз билан турли ловияли салатлар, мош солинган суюқ овқатларни хуш кўриб истеъмол қиламиз. Уларнинг баҳоси ҳам қиммат эмас.

"Кўйлиқ деҳқон бозори" расталарини оралаб, усти ёпиқ павильонига кирар экансиз, бу ерда сут, гўшт, тухум маҳсулотлари ва турли ширинликлар, хуллас, кундалик турмуш учун зарур бўлган барча нарсалар муҳайё эканини кўриб қувонасиз. Расталардаги гўшт нархи 23-24 минг сўм атрофида. Қассобларнинг қўли-қўлига тегмайди.

– Доимо шу ердан гўшт харид қиламан, – дейди ЎзА мухбирига бектемирлик Аҳрор Жумаев. – Нарх анчадан буён бир меъёрда тургани бизни қониқтиради, гўшт тоза ва сифатли.

Ҳа, бозордаги мўл-кўлчилик ва нархларнинг арзонлигидан барча мамнун. Аввалари қишдан силласи қуриб чиққан аҳоли айни баҳор даврини "илик узилди" дея таърифлаган. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида бу ибора эсимиздан чиқиб, тилдан қолиб бормоқда. Боиси қишлоқ хўжалиги тизимидаги серқирра ўзгаришлар жараёнида бозорларимиз тўрт фаслда ҳам сархил мева-сабзавотлар билан тўлдирилмоқда.

"Чорсу деҳқон бозори"да одатдагидек одам кўп. Унинг дарвозаларидан кириб-чиқаётганларнинг кети узилмайди. Маҳсулотлар сифатини назорат қилиш мақсадида лаборатория ишлаб турибди. Доимий арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо ярмаркасида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари харидорларга маъқул нархларда сотилмоқда. Савдо расталари кенг, баланд ва бахаво айвонлар остида жойлашганлиги бу ердагиларни ёзнинг иссиғию қишнинг ёғин-сочинидан ҳимоя қилади. Уйда таом ва ширинликлар тайёрлаб сотадиган пазандалар учун алоҳида расталар ажратилган.

– Бу ердагидек мазали сомсаю норинни ҳеч қаерда емаганман, – дейди олмазорлик Нарзулла Қувондиқов. – Бозорлик қилиш учун келганимда сомса ҳам харид қиламан.

Бозор – юрт кўрки, тўкинчилик кўргазмаси, деб бежизга айтилмайди. Мева-сабзавот расталарини оралаган киши юртимизнинг узумзору боғларида, ҳосилдор пайкалларида сайр қилаётгандек сезади ўзини. Ҳунармандлик, новвойлик каби расталар оралаб қўли гул, меҳнати ҳалол халқимизга таҳсинлар айтсак арзийди.

Сайёра ШОЕВА

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 16

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
7.40 "Таҳлил – 25".
8.00 "Таҳлилнома".
8.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
9.10 2016 йил – "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.00 "Иқлим".
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Кучли фуқаролик жамияти сари".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Учбурчак". Ток-шоу.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ҳидоят сари".
14.45 "Менинг боғим".
15.05 "Иқлим".
15.10 "Мўъжизалар макони".
15.35 "Бизнес старт".
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Суҳбатдош".
17.25 "Руҳшунос". Т/с.
18.10 "Иқлим".
18.20 "Имконият".
18.40 "Севги сароблари". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Чиннигул". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 – 23.55 "Севги ўгитлари – 1". Б/ф.
23.55 "Иконият".
00.15 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
00.45 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
3.30 "Мўъжизалар макони".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
5.10 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Капитан Хорнблауэр". Б/ф. 1-қисм.
7.50 "Соғлом ҳаёт".
8.10 "Пуаро". Т/с.
9.50 "Телетуҳфа".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Соғлом она ва бола".
12.00 "Шаҳзода". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Қилни қирқ ёриб". Т/с.
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Истиқлол фарзандлари".
17.50 "Сеҳрли тош". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Шаҳзода". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Данте чўққиси". Б/ф.
00.20 "Ватанпарвар".
1.00 "Фан ва ёшлар".
3.00 "Шарқ гавҳари".
3.50 "Оналар мактаби".
4.30 "Мўъжизавий дунё".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Фидойилар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Анъеза. Ривамброзага қайтиш". Т/с.
11.15 "Обод хонадон".
11.35 "Poytaxt-avto".
11.45 "Пойтахт-культура".
12.15 Миллий сериал: "Фидойилар".
12.50 "Poytaxt-Hi-tech".
13.15 "Телетаҳлил".
13.35 "Мобиль камера".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.10 "Денгиз ҳукмдори". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Пойтахт-авто".
18.30 "Қонун доирасида".
18.50 "Poytaxt-intervyu".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
21.30 "Poytaxt-eko".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Исправленный вариант". Х/ф.
00.05 "Пойтахт-культура".
00.15 "Ҳикматли дунё". "Бувижон".
1.00 "Poytaxt-eko".
1.10 "Бахт кўрғони".
1.40 "Пойтахт-авто".
1.50 "Мобильная камера".
2.10 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
2.35 "Мен сизга айтсам".
3.35 "Эртамиз эгалари".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.30 "Орзулар кемаси".
7.00 "Sport-online".
8.00 Талқин.
8.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Қизилқум" (Навоий) – "Андижон" (Андижон)
10.15 Интерфутбол.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.05 Бадминтон. Халқаро турнир.
14.00 Хабарлар.
14.20 Теннис.
15.20 "Соғлом турмуш сари".
16.05 "Спорт сабоқлари".
16.30 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
17.45 "Техноспорт".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Универсиада".
18.30 Хабарлар.
18.55 "Болалар спорти".
19.20 Дзюдо. Гран при турнири.
20.25 "Спорт маркет".
20.30 Хабарлар.
20.50 "ФИФА". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
00.05 Профессионал бокс.
1.00 Хабарлар.
1.25 Интерфутбол.
3.15 Сув спорти. Европа чемпионати.
4.20 – 6.00 Футбол. Европа чемпионати. U-17.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
6.40 "Ораста бекажон".
7.10 Миллий кино. "Гўзаллик сири".
8.35 Ҳужжатли фильм.
8.45 "7 кун нафаси".
9.00 "TV анонс".
9.05 "Галатепалик авлиё". Қисқа метражли фильм.
9.30 "Йўлга чиқдик".
9.55 "Маҳалламиз спортчилари".
10.45 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
11.35 "Илм қудрати".
12.05 "Теран илдизлар".
12.25 "Муҳаббат риштаси".
12.55 Кун нафаси.
13.00 Миллий кино. "Ҳақиқий эркаклар ови".
14.15 "Кўнгилдаги гаплар".
15.00 Миллий сериал. "Дил пайванди".
15.35 "Ноёб институт".
15.55 Кун нафаси.
16.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
16.40 "Фермер".
17.05 "TV анонс".
17.10 "Нуроний фасл".
17.35 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00 Миллий сериал. "Чархпалак".
19.35 "Саодатли умр".
20.00 "Халқ виждони".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Алданган совчилар".
22.25 "Осуда ҳаёт".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
23.35 "Ён қўшним-жон қўшним".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
00.40 "Жамият ва ҳуқуқ".
1.10 Миллий кино. "Ҳақиқий эркаклар ови".
2.25 "Иш билганга минг танга".
3.00 Миллий сериал. "Дил пайванди".
3.35 "Аждодлар хазинаси".
4.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
4.40 "Мисли гавҳар".
5.10 – 6.00 "Бола бошидан".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "Сирли ўрмонча".
8.50 "Мультипанорама".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Bravo English!"
10.50 "Мультипанорама".
12.00 "Ланди-ланди".
12.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
12.30 "Билағон болажон".
13.00 "Саргузаштлар ороли".
13.30 "Боғбон болажон".
13.50 "Ўйинчоғим-овунчоғим".
14.10 "Болалар учун фильм".
15.50 "Табиатга саёҳат".
16.10 "Мультипанорама".
17.20 "Мунчоққўз болажон".
17.30 "Табиатшунос болажон".
17.50 "Сеҳрли қўллар".
18.00 "Ланди-ланди".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Миттивойлар мусобақаси".
19.50 "Қувноқ стартлар".
20.10 "Мультипанорама".
21.00 "Болажонлар саҳнаси".
21.10 "Рассом болажон".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Ғаройиб бола". Б/ф.
7.30 Миллий кино. "Ёндиради, куйдиради".
9.05 Саргузашт фильмлар экрани. "Сўнгги киноқаҳрамон".
11.20 "Полицейская история". Х/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Реставратор".
14.00 "Икки олам аро". Б/ф.
15.35 Болалар экрани. "Қизил қор ёққанда".
16.55 "Қочоқ". Б/ф.
19.00 "Саргузаштлар ороли". Т/с.
19.50 Миллий кино. "Мерсквич".
21.10 "Ҳафта юлдузи". Карина Капур.
21.30 Болливуд туҳфаси. "Дўстлик".
23.45 Миллий кино: "Вафодор".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Три дня на побег". Х/ф.
1.45 "Жигарбандим ёди". Б/ф.
3.20 "Хоним ва қароқчи". Б/ф.
4.35 – 6.00 Миллий кино. "Жаннат қайдадир?"

СЕШАНБА, 17

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
7.40 "Кўнгил ободлиги".
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
9.10 "Суҳбатдош".
9.25 "Иқлим".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.00 "Анонс".
10.15 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Бегона баҳор". Б/ф. 1-қисм.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Кўрганларимиз ҳақида".
14.40 "Қалб гавҳари".
15.05 "Иқлим".
15.15 "Муносабат". Ток- шоу.
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Устурлоб".
16.30 "Ахборот". /Инглиз/.
16.40 "Қорачиқ".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Агроолам".
17.30 "Руҳшунос". Т/с.
18.15 "Иқлим".
18.20 2016 йил – "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
18.40 "Севги сароблари". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Чиннигул". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бизнес старт".
22.05 – 23.50 "Сўнгги чоралар". Б/ф.
23.50 "Қорачиқ".
00.10 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
00.40 2016 йил – "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Қаллиқ ўйин". Спектакль. 1-қисм.
3.10 "Кўрганларимиз ҳақида".
3.35 "Қалб гавҳари".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
5.10 "Агроолам".
5.30 – 5.55 "Бизнес старт".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Капитан Хорнблауэр". Б/ф. 2-қисм.
7.50 "Навоий хазинаси".
8.10 "Пуаро". Т/с.
9.50 "Телетуҳфа".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Нуқтаи назар".
11.40 "Баркамоллик йўлидан".
12.00 "Шаҳзода". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Қилни қирқ ёриб". Т/с.
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
16.50 "Ўзбекистон музейлари".
17.00 "XXI аср технологиялари".
17.30 "Давр мавзуси".
17.50 "Сеҳрли тош". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Оналар мактаби".
21.00 "Шаҳзода". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Қуюн". Б/ф.
00.20 "Бухорои шариф".
1.10 "Шарқ гавҳари".
4.30 "Мўъжизавий дунё".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Фидойилар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Анъеза. Ривамброзага қайтиш". Т/с.
11.15 "Рангли телевизор".
12.15 Миллий сериал: "Фидойилар".
12.50 "Пойтахт- Hi-tech".
13.10 "Кўзгудаги Биз".
13.40 "Poytaxt-avto".
13.50 "Poytaxt-intervyu".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 "Ихтирочи". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.45 "Poytaxt-Hi-tech".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Телетаҳлил".
21.30 "Poytaxt-madaniyat".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Легкие деньги". Х/ф.
23.45 "Мобильная камера".
00.05 "Пойтахт-культура".
00.15 "Кўзгудаги Биз".
00.45 "Пойтахт-авто".
1.00 "Poytaxt-reportaj".
1.15 "Кўнгил ҳайратлари".
1.45 "Poytaxt-eko".
2.15 "Сифат назорати".
2.45 "Мен сизга айтсам".
3.20 "Профессионал".
3.40 "Poytaxt-Hi-tech".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Спорт сабоқлари".
6.30 "Болалар спорти".
7.00 "Sport-online".
8.00 Хабарлар.
8.15 "ФИФА".
9.50 "Эътироф".
10.00 "Осиёга назар".
10.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Металлург" (Бекобод) –"Насаф" (Қарши)
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.10 "Шоҳсупага йўл".
14.00 Хабарлар.
14.20 Теннис.
15.35 Бадминтон. Халқаро турнир.
16.35 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Соғломжон-полвонжон".
18.20 "Техноспорт".
18.30 Хабарлар.
18.55 "Ифтихоримсан, спорт".
19.10 Дзюдо. Гран при турнири.
20.25 "Спорт маркет".
20.30 Хабарлар.
20.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
22.45 "Техноспорт".
23.00 Футбол. Осиё Чемпионлар лигаси. 1/8 финал. "Ал-Ҳилол" (Саудия Арабистони) – "Локомотив" (Ўзбекистон) Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
1.00 Хабарлар.
1.25 Сув спорти. Европа чемпионати.
2.20 Футбол. Европа чемпионати. U-17.
4.00 Велоспорт.
4.50 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
6.40 "Осуда ҳаёт".
7.05 Миллий кино. "Алданган совчилар".
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Саодатли умр".
9.05 Миллий сериал. "Чархпалак".
9.40 "Қадр топган қадриятлар".
10.05 "Халқ виждони".
11.00 "Менинг маҳаллам".
11.30 "TV анонс".
11.35 "Очиқ дарс".
12.05 "Қайнона бисотидан".
12.35 "Теран илдизлар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Аёллар салтанати".
14.10 "Маҳалламиз спортчилари".
15.00 Миллий сериал. "Дил пайванди".
15.30 "Ораста бекажон".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
16.40 "Меҳр қолур". Ток-шоу.
17.30 "Маҳалламиз болалари".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Аслидек асрайлик".
18.25 "TV анонс".
18.30 "Кучли фуқаролик жамияти сари".
19.00 Миллий сериал. "Чархпалак".
19.35 "Обод манзиллар".
20.00 "Биламизку, аммо".
20.25 "Муҳаббат риштаси".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Тақдирлар".
22.30 "TV анонс".
22.35 "Табиат шифохонаси".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Тўйлар муборак!"
23.35 "Соғлом оила".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
00.40 "Жавондаги жавоҳир".
1.05 Миллий кино. "Аёллар салтанати".
2.15 "Кўнгилдаги гаплар".
3.00 Миллий сериал. "Дил пайванди".
3.35 "Сулола".
4.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
4.40 "Ноёб институт".
5.10 "Ихтиро".
5.35 – 6.00 "Фермер".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "Худойберди бобо меҳмонда".
8.50 "Мультипанорама".
10.00 "Қувноқ алифбо".
